

АНТИТЕЗА — тасвирланаётган воқеа-ходиса, туйғу ва тушунчалардаги зиддиятни яққолроқ акс эттиришга хизмат қиладиган сўз ёки сўз бирикмасидан ташкил топган тасвирий восита. Карама-карши маъно ташийдиган бу хил сўзлар нарса ва ходиса, тушунчаларни қиёслаш имконини беради, объектнинг моҳиятини чуқурроқ очишга ёрдамлашади. Антитеза айникса, шеърятда кенг истифода қилинади:

Сени кеч топгандим, эрта йўқотдим,  
Лойикман каргагин сенинг кахрингга.

Ўзгалар калбида меҳр уйготдим,

Бирок етолмадим ўзим кадрингга. (А.Орипов)

Парчада ишлатилган «кеч»-«эрта», «топгандим»-«йўқотдим», «ўзгалар»-«ўзим», «меҳр»-«кахр» сўзлари ўз карама-карши маънолари билан ифодаланаётган лирик холатнинг таъсирчанлигини таъминламокда.